

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Шермухаммедов Абдумажид Мавлянович
Юнусобод тумани ИИО ФМБ бошлиғи

Дунёнинг ҳар бир мамлакатларида юрт тинчлигини асраш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш каби чора тадбирларни амалга ошириш ҳар бир давлатнинг ўз олдига қўйилган вазифалардан биридир. Турли давлатларда маъмурий ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қилади. Шу сабабли, кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга оширишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ҳар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради.

АСОСИЙ ҚИСМ ВА НАТИЖАЛАР

Россия Федерациясида мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини қўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шу-нингдек жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди²⁹.

Россия Федерацияси ИИВ федерация таркибига кирувчи республикалар ИИВлари, ўлкалар, вилоятлар ва федерал даражадаги шаҳарлар ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимлари, автоном вилоятлар ва округлар, туман

²⁹ Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2004. – С. 204.

ва шаҳар ички ишлар органлари, темир йўл, ҳаво ва сув транспорти тармоқ ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари, ички қўшинлар ҳамда тизимга кирувчи бошқа таркибий тузилмаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади³⁰. Россия Федерациясининг «Полиция тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль қонунда белгиланганидек, полиция ижроия ҳокимияти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий қисми ҳисобланиб, фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш; жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва фош этиш; жиноятларни аниқлаш ва очиш, жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш; қидирувни ташкил этиш; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш; жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; қурол савдоси соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; хусусий детектив-лик ва қўриқлаш фаолияти соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; мулк ва объектларни қўриқлаш; жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноятга оид суд иши юритувидаги бошқа иштирокчилар, судьялар, прокурорлар, терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслари ҳамда қўриқланиши талаб этиладиган бошқа шахсларни давлат ҳимояси билан таъминлаш; эксперт-криминалистик фаолиятни амалга ошириш³¹.

Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари «полиция участка пунктлари» сифатида номлана бошлади. Полиция участка нозири – полиция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг 2012 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган «Полиция участка нозирининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига» буйруқ асосида ташкил этилади³². Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларининг асосий

³⁰ Указ Президента Российской Федерации от 18.07.1996 г. № 1039 «Об утверждении Положения о Министерстве внутренних дел Российской Федерации» / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://kremlin.ru/acts/bank/9733> (дата обращения: 15.06.2015).

³¹ : Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.06.2015).

³² Приказ МВД России от 31.12.2012 № 1166 «Вопросы организации деятельности участковых уполномоченных полиции» / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://www.rg.ru//uchastkovie-dok.html>. (дата обращения: 14.06.2015).

хизмат вақти маъмурий ҳудудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан жиноятчиликга қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликда тадбирлар олиб бориш зарурати туғилганида полиция участка пунктларида фаолият кўрсатадилар³³.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор топган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб³⁴, ўз ичига Федерал ИИВ ва Ўлкалар³⁵ ИИВларини қамраб олади. Ўлкалар ИИВлари Федерал ИИВнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИВ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди³⁶. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини асосан ўлкаларнинг полициялари амалга оширади. Мамлакатда жиноятчиликга қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ тартибот хизматлари махсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади³⁷. Ўлкалар полициялари тартибни сақлаш, криминал, сувда тартибни сақлаш, сафарбарлик, конституцияни қўриқлаш каби полиция идораларидан ташкил топган бўлиб, улар ичида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан тартибни сақлаш полицияси шуғулланади. Мамлакатнинг ҳар бир ўлкасида ўз қонунчилиги ва идоравий ҳужжатлари амал қилсада, тартибни сақлаш полициясининг фаолияти ҳамма ўлкаларда бир хил. Масалан: Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва криминал полиция етиб келгунига қадар кечиктириб бўлмас ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини, тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга оширади. Мамлакатда ўрнатилган қонун қоида, қонунчилик интизомига риоя қилиниши, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакиллантириш юзасидан ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботлари, ҳуқуқбузарликларнинг умумий

³³ Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 315.

³⁴ Козырин А.Н. Административное право зарубежных стран: учебное пособие. – М., 1996. – С. 120.

³⁵ Изох: Германия давлат тузилишига кўра федератив республика бўлиб, Ўлкалардан ташкил топган.

³⁶ Полиция Германии: История и современность: учебное пособие / Антонов И.П.; Ред.: Алферов Л.М. – М., 2000. – С. 65.

³⁷ Лазерев В. В., Болтенко Ю. Н. Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 215.

профилактикасини амалга ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этилишини назорат қилиш, ушланганларни конвой қилиш ва суд муҳокамалари вақтида қўриқлаб туриш, ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология ва бозорларда савдо қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш; паспорт тизимини назорат қилиш, умум қабул қилинган ўлчов ва оғирлик бирликларига риоя этилишини назорат қилиш, меҳмонхона, ресторан, бар, казино, лотерея ва тотализаторларда қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш, ўрмонни қўриқлаш, маҳаллий фуқаро мудофаасини амалга ошириш, қаровсиз қолган вояга етмаганлар ва ўсмирларни назорат қилиш кабилардан иборат. Германияда маҳаллий ҳокимият органига раҳбарлик қилувчи шахс ҳудуддаги полиция ташкилотининг ҳам биринчи амалдори ҳисобланади. Бинобарин, айрим ўлкалар полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади³⁸. Мамлакат жамоат тартибини сақлаш полициясида 160–165 минг нафар ходим хизмат қилади³⁹.

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим **Францияда** шаклланган. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлайди ҳамда хавфсизлигини таъминлайди ва бу борада улар Миллий полиция билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Франция Миллий полициясига полициянинг барча функциялари, жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради. Миллий полиция таркибидаги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бош бошқарманинг фаолияти қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган: ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг амлакатда ўрнатилган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш бўйича тартиб қоидани назоратини амалга ошириш, аҳолига ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан катта бўлмаган миқдордаги зарар етказилиши билан боғлиқ жиноятларни суриштириш ва тергов қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва қайта тиклаш. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифалари ўзига хос тартибда

³⁸ В. В., Болтенко Ю. Н. Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 217

³⁹ Полиция Германии: История и современность. – М. 2000. – С. 80–81.

Миллий полициянинг чегара ҳудудлари, темир йўллар ва ҳаво транспорти ҳудудларида хизмат олиб борувчи Чегара полицияси бош бошқармаси, асосий вазифаси республика даражасидаги оммавий тартибсизликларга қарши кураш ва уни бартараф этиш ҳисобланган Республика хавфсизлик корпуси марказий хизмати каби мустақил таркибий тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилади. Франция ИИВ Миллий полицияси сингари Бош дирекция раҳбарлик қилувчи ҳарбийлашган Миллий жандармерия ҳам жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жандармерия қишлоқ ҳудудларида ва мамлакат аҳолисининг ярмини, давлат ҳудудининг 90 фоизини ташкил этувчи унча катта бўлмаган шаҳарларда полиция вазифасини бажаради.

Буюк Британияда патрулик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш, йўл ҳаракатини тартибга соладилар ва назорат қиладилар, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда иштирок этадилар, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайдилар ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатадилар. Ривожланган мамлакатлар полициясининг патрулик хизматларига замонавий техник таъминот хос бўлиб, бу нарядларнинг юқори сафарбарлигига эришиш имконини беради. Масалан, Лондоннинг у чекка провинциясидан бу чеккадаги провинциясигача жиноят ҳақида хабар тушгач, патруль бўлинмаси диспетчерлик пунктдан ўртача 2,5–3 минут ичида воқеа жойига етиб боришга қодир. Патруль нарядлари ахборот таъминотига ҳам катта эътибор қаратилган. Улар алоқа воситалари ва компьютер техникаси билан яхши қуроллангани боис керакли маълумотни тезда ахборот марказининг маълумотлар базасидан олиш имконияти мавжуд. Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда полициянинг қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини энгиллаштириш мақсадида катта кўчалар ва посёлкаларда видеокузатув ускуналари ўрнатила бошланди. Мазкур камераларда олинган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга оид суратлар орқали иш олиб бориш полицияга катта қулайлик яратади. Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири – ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, «муаммони ҳал қилиш» бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий усулларни ўз ичига олган янги иш усули ҳисобланади⁴⁰.

Эътибор берсак, бугунги кунда муаммони ҳал қилиш усулининг жамиятдаги ўрнини мунтазам равишда ўрганиб бориш мақсадида Европа давлатларининг кўпчилигида «САРА», «Муаммони таҳлил қилиш модули», «Муаммони ҳал қилиш учбурчаги» деб номланган турли моделлардан фойдаланилади. Бу моделлар

⁴⁰ Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей/ Ин-т. «Открытое общества». – М. 2001. – С. 12.

муаммони ҳал қилишнинг турли босқичларида уни самарали амалга оширишга шароит яратади ҳамда мазкур усулнинг фуқароларга берган нафани баҳолаш имконини беради⁴¹.

Юқоридаги илмий таҳлиллар ички ишлар органларини бошқаришнинг полиция тизими қарор топган мамлакатларда ҳам маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда таянч пунктлари ўзига хос ўринга эга эканлигини яққол кўрсатди. Республикамиз ИИБ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда бир қатор олимлар ва мутахассислар хорижий давлатларнинг илғор тажрибалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ички ишлар органларининг тузилишини қайта кўриб чиқиш ва полиция тизимига ўтиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади⁴². Хорижий давлатлар маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тажрибасини илмий таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболда Ўзбекистонда полиция тизимининг жорий этилишига олиб келганда ҳам ушбу тизимда таянч пунктлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этиш аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг марказий субъекти бўлиб қолаверади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда умумий, махсус, яқка, виктимологик профилактикасининг амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш орқали, *биринчидан*, маҳаллий даражада жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлашга, *иккинчидан*, ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат полиция, балки жамоатчиликнинг ҳам масъул эканлигини тушуниб етишга эришилади. Аҳоли турар жойларида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усуллари. Хорижий давлатлар ички ишлар органлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашда бир қатор усуллардан фойдаланадилар. Патруллик қилиш бу борадаги асосий усуллардан бири бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг айрим маҳаллий яшовчилар билан тўсатдан учрашиб қолиши эмас, балки маъмурий ҳудуддаги жамиятнинг барча бўғинлари билан фаол алоқада бўлиш, намунали ўзаро муносабат

⁴¹ Наилучшая практика построения партнерства между полицией и обществом / Составлено старшим советником Генерального секретаря ОБСЕ по вопросам полицейской деятельности. – Вена, 2008. – С. 29–30.

ўрнатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш орқали ҳуқуқий тарғиботлар ўтказиш, саводхонлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга маслаҳатлар бериш ҳақида амалий келишувлар тузишга қаратилган режали тадбирларни назарда тутди⁴³. Кўплаб давлатлар ички ишлар органлари шахсий таркибининг 60–75 фоизини патруллик хизматлари ташкил этиши ҳам фаолиятнинг ушбу турига бўлган катта эътибордан далолатдир. Патруллик қилиш ҳудуд ва жиноятчиликнинг интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошкора ва ноошкора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, уларнинг олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жиноятчига қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиғидир⁴⁴.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурасулова Қ. Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М. Қ. Рустамбоев. – Т., 2005. – Б. 125.
2. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Қ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 12 бет.
3. Гадайбоев А. Маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олишга доир баъзи масалалар // Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т., 2003. – Б. 12.
4. Гельфанд И.А., Михайленко П.П. Предупреждение преступлений – основа борьбы за искоренение преступности. – М., Юридическая литература, 1964.
5. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Умумий қисм. Дарслик / ю.ф.д., проф. Ғ. Абдумажидов таҳрири остида. –Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – 89 бет.
6. Исламов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007. – Б. 855.
7. Исмаилов И. Ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотлар – фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш омилининг / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. –Т., 2013. – № 3. –Б. 24.

⁴³ Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей / Ин-т. «Открытое общество». – М. 2001. – С. 48.

⁴⁴ Губанов А. В. Полиция зарубежных стран. Организационно-правовые основы, стратегия и тактика деятельности. – М., 1999. – С. 95.

8. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 130;
9. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – 56 б.
10. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., –1998.– 449 б.
11. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 189 (272).
12. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 5-8 (539) б.
13. Қаршиев Ғ.С. Ички ишлар органларининг қонунийлик принципи ҳақида айрим мулоҳазалар // «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2017 йил 16 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 66-68 б.
14. Қурбонова Ш.Н. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг долзарб вазифалари // «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2017 йил 16 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 145-148 б.